Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minl...

1. Q.X.Abdurahmonov, N.T.Shoyusupova Aholini ish bilan bandligi Toshkent-2013
2. M.M.Muhammedov, S.A.Ishaqova, B.B.Mardonov Qishloqlarda aholi bandligi; muammolar va yechimlar. Monografiya\ Samarqand; “Zarafshon” nashriyoti 2014.
3. Lex.uz sayti “Har bir oila-tadbirkor” dasturini amalga oshirish to‘g‘risida https://lex.uz/acts/-3772869
4. International Labour Organization (ILO). (2024). World Employment and Social Outlook – Trends 2024.
5. International Labour Organization (ILO). (2024). World Employment and Social Outlook – Trends 2024. https://www.ilo.org/global/research/global-reports/weso/2024/lang--en/index.htm

КИЧИК БИЗНЕСНИ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эргашев Илҳомжон Икромович,
и.ф.ф.д (PhD) доцент
Андижон давлат техника институти
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
ergashev_1980@list.ru

Аннотация. Мақолада инвестицион самарадорликни баҳолашнинг миллий услубиётини ишлаб чиқишда мамлакат иқтисодиёти учун хос бўлган, республика иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари учун умумий хусусиятларни ўзида акс эттира оладиган универсал таҳлилий ёндашувлар акс эттирилган. Корхоналарнинг инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ўзаро алоқадорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда турли гуруҳларга ажратиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч иборалар: инвестицион салоҳият, экспорт, импорт, компонентли ёндошув, рақобат, ўсиш нуқтаси, амортизация, тизимли ёндошув, Ялпи даромад, дисконтланган соф даромад, пул оқими, қоплаш муддати, дотация, ички даромадлилик нормаси, рискларга нисбатан сезувчанлик индекси.

Бугунги кунда жаҳонда, жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб таркибий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари ривожланиш даражасининг барқарорлигини таъминлаш, янги

Published: 24.05.2025
Cite this article: Эргашев Илҳомжон Икромович (2025). Кичик бизнесни инвестицион салоҳиятини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Emro Science and Education, 2(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/327
© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва даромадлари базасини мустаҳкамлаш, рақобат ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт”[1].

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишларга бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан коронавирус пандемиясидан кейинги даврда янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, 8 та асосий йўналишни кўрсатиб ўтди. Ушбу йўналишлар асосида ривожланишда кичик бизнес иқтисодиётнинг “ўсиш нуқтаси” этиб белгиланди. Шу билан бир қаторда, юқори технологияли тармоқларда кичик бизнес ҳиссаси камлиги қайд этилиб, бундай субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди ва ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди [2].


Бундан кўриниб турибдики, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион салоҳиятини кучайтириш орқали соҳага жалб этилаётган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичини янада оширишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга устуворлик қаратилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, сўнгги йилларда мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аҳамияти ортиб, соҳага жалб этилаётган инвестициялар ҳажми кескин ўсиб бормоқда. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳиятини ошириш долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш, давлатнинг ва кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаолиятга оид узоқ муддатли

стратегияларини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш учун мамлакатда бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ мос келувчи инвестицион салоҳиятни баҳолаш амалиётини шакллантириш лозим бўлади.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, иқтисодий адабиётда “кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳияти” етарли даражада, тизимли ва комплекс тадқиқ этилмаганлиги сабабли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион салоҳиятини баҳолаш амалиётининг умум қабул қилинган, ягона услубиёти ёки ёндашувини шакллантириш талаб этилади.


Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳияти иқтисодий категориясига муаллифлик таърифини шакллантирдик. Фикримизча, кичик бизнес корхонасининг инвестицион салоҳияти эркин рақобатлашган бозор шароитида тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция ресурсларига айлантирилиши мумкин бўлган барча турдаги корхонанинг ички ва ташқи манбалар ҳисобига ўз фаолиятига жалб қилиши мумкин бўлган молиявий ҳамда номолиявий ресурслар мажмуидан иборат ҳисобланади.



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион салоҳияти ва унинг таркибий тузилиши[3,4,5,6].

Юқорида кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳияти иқтисодий категориясига берилган муаллифлик таърифи корхонанинг инвестицион салоҳиятини комлекс тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқилган ҳисобланади. Хусусан, иқтисодий адабиётда барча турдаги корхоналарнинг, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион салоҳияти таркибий жиҳатдан молиявий ва номолиявий инвестицион салоҳиятни ўз ичига қамраб олади (1-расмга қаранг).

Ўз навбатида кичик бизнес субъектларининг молиявий жиҳатдан инвестицион салоҳияти кўрсаткичи корхонанинг фойда кўриш ва амортизацион салоҳиятларини ўзида акс эттирса, корхонанинг мулкий, номоддий активлари ҳамда кадрлари салоҳияти унинг номолиявий инвестицион салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар сифатида баҳоланади.



2-расм. Кичик бизнеснинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ёндашувлари[7].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион салоҳиятини баҳолаш услубиётини тадқиқ этиш жараёнида иқтисодий адабиётда амалга оширилган илмий изланишлар натижаларига таянган ҳолда, кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг компонентли ва тизимли ёндашувларини ажратиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз (2-расмга қаранг).

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, кичик бизнес субъектларининг инвестицион салоҳиятини баҳолашнинг компонентли ёндашуви корхонанинг инвестицион салоҳиятини ташкил этувчи ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳолаш амалга оширилиб, улар қуйидагилар ҳисобланади:[8]

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий имкониятлари;
- корхонанинг ресурс салоҳияти;
-корхонанинг бозор (айрим тадқиқотларда “рақобат” деб ҳам юритилади) салоҳияти;
- инновацион салоҳият.

Таҳлиллар кўрсатишича, кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳиятини компонентли ёндашув асосида баҳолаш орқали унинг турли жиҳатларига алоҳида-алоҳида баҳо бериш мумкин бўлади. Тизимли ёндашувда эса, интеграл кўрсаткичлар асосида кичик бизнес корхоналарининг инвестицион салоҳиятини ташкил этувчи кўрсаткичларни ўзида умумлаштирган ягона хулосага келиш имконияти мавжуд ҳисобланади[9].

Бу эса ўз навбатида амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни соддалаштириб, олинадиган якуний хулосаларни қиёсий таққослаш имкониятини оширади.

Фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичларини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида кичик корхоналарнинг инвестицион фаолиятига оид кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда комплекс баҳолаш имконини берувчи миллий услубиётни ишлаб чиқиш ва уни амалиёга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу турдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестицион самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишда республика миллий иқтисодиётининг турли тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган кичик корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш орқали баҳолаш услубиётининг мукаммаллик ва ишончлилик даражасини оширишга эришилади.

Шунингдек, юқорида таклиф этилаётган инвестицион самарадорликни баҳолашнинг миллий услубиётини ишлаб чиқишда мамлакат иқтисодиёти учун хос бўлган, республика иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқлари учун умумий хусусиятларни ўзида акс эттира оладиган универсал таҳлилий ёндашувни шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ўзаро алоқадорлик даражасидан келиб чиққан ҳолда турли гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарини ривожланиш тенденциялари ҳамда унинг республикадаги инвестицион самарадорлиги кўрсаткичларини хисоблашда фойдаланиш лозимдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион самарадорлигини тавсифловчи интеграл коэффициент (IS_{kb}) ҳисобланади:

$$IS_{kb} = F\ (IS_1(kb), IS_2(kb), IS_3(kb), IS_4(kb), IS_5(kb)) \qquad (1)$$

Бу ерда:

F(IS) – кичик бизнес корхонасининг умумий инвестицион самарадорлигини акс эттирувчи функция;

IS(kb) – *тизимли ёндашувнинг таркибий кўрсаткичлари*

$IS_1(kb)$, $IS_2(kb)$, $IS_3(kb)$, $IS_4(kb)$, $IS_5(kb)$– *ҳар бир таркибий компонент (1-иловага қаранг) бўйича ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичлари.*

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг таркиби[10].[11]

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг таркиби
Иқтисодий самарадорлик	Маҳсулот таннархи, йиллик айланма капитал ҳажми, даромад, соф фойда, ишлаб чиқариш рентабеллиги, фондлар қайтими, қўшилган қиймат, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, ликвидлилик, капитал сиғимкорлиги
Молиявий самарадорлик	Молиявий портфелларнинг даромадлилиги, фонд бозори фоиз ставкалари, молиявий инвестицияларнинг даромадлилик даражаси, молиявий активларнинг нархи ва қиймати, дивидентлардан умумий даромад, кредит риски
Техник ва технологик самарадорлик	Фондлар билан таъминланганлик, энергия сиғимкорлиги, материал сиғимкорлиги, меҳнат унумдорлиги
Ижтимоий самарадорлик	Ижтимоий инвестициялар ҳажми, иш ҳақининг реал даражаси, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик, аҳоли бандлиги, меҳнат шароитлари, кадрлар таркибининг давомийлиги ва салоҳияти
Табиий-экологик самарадорлик	экологик инвестицион харажатлар, экологик барқарорлик индекси, ерларнинг эрозияланиш даражаси, экологик зарар, инвестицион харажатлар самарадорлиги
Корхонанинг инвестицион салоҳияти	Табиий – ҳомашё, ишлаб чиқариш, молиявий, истеъмол, инновацион, инвестицион риск
Инвестицион лойиҳанинг самарадорлиги	Ялпи даромад, дисконтланган соф даромад, пул оқими, қоплаш муддати, дотация, ички даромадлилик нормаси, рискларга нисбатан сезувчанлик индекси, иш ўринлари сони, солиқ тўловлари, бюджет самарадорлиги

[11] Муаллиф ишланмаси

Кичик бизнес ва хусусуий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичини тизимли ёндашув асосида комплекс баҳолаш орқали ушбу соҳага жалб этилаётган инвестициялар, уларнинг ҳажми, самарадорлиги, мавжуд муаммолари ва камчиликлари каби параметрлар бўйича умумий хулосаларни чиқариш мумкин бўлади. Шунингдек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини инвестициялашнинг барқарорлигини таъминлашда қуйидаги муаммоли жиҳатларни инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- кичик бизнес ва хусусуий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти давомида замон талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда;

- бизнес жараёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суст даражада қолмоқда;

- тадбиркорлар ҳанузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг чўзилиш ҳолатлари билан тўқнашмоқда;

- ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва очиқлик даражасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмаяпти[11].

Юқорида келитирилган муаммоли вазиятларни инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга, жумладан уларнинг инвестицион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда қуйидаги устуворликларни аҳамияти катта деб ҳисоблаймиз:

- кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган инвестицион дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион ишланмаларини молиялаштириш, жумладан, уларни хорижий капитал иштирокидаги инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишидаги иштирокини кенгайтириш;

- кичик корхоналарнинг амортизацион фондларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш орқали уларнинг ўз маблағлари ҳисобига хусусий инвестицияларнинг ҳажмини ортиб боришига эришиш;

- кичик корхоналарнинг ўз фаолиятларини инновацион ривожлантиришга сарфлаётган хусусий инвестициялари ҳажмига мос равишда солиқ имтиёзларини жорий этиш;

- кичик корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига замонавий техникаларни жалб қилишни кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларга асосланган ҳолда мамлакатимизда кичик корхоналарни инвестициялаш дастурларини ишлаб чиқиш кейинги йилларда юқори натижаларга эришиш имконини беради. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг миллий интеграл кўрсаткичини ишлаб чиқилиши соҳадаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, кичик корхоналарнинг инвестицион салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш билан бир қаторда узоқ муддатли истиқболда соҳанинг инвестицион барқарорлигини таъминлаш имкониятини янада оширади, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг инвестицион самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларига бағишланган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичларини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида кичик корхоналарнинг инвестицион фаолиятига оид кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда комплекс баҳолаш имконини берувчи миллий услубиётни ишлаб чиқиш ва уни амалиёга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу турдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестицион самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишда республика миллий иқтисодиётининг турли тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган кичик корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш орқали баҳолаш услубиётининг мукаммаллик ва ишончлилик даражасини оширишга эришилади;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон Қарорида белгиланган вазифалардан ва 2020 йилда жаҳонда рўй берган

“Covid-19” пандемиясининг иқтисодиётга салбий тасирини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда кичик инновацион бизнесни ривожлантиришнинг тадрижий, пессимистик ва оптимистик прогнозлари амалга оширилди. Тадрижий прогноз натижаларига кўра, 2019 йилда мамлакатимизда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 56,5 фоизни ташкил этан бўлса, 2030 йилга бориб 70 фоизга, пессимистик прогноз натижаларига кўра 62,0 фоизга, оптимистик прогнозга кўра эса 80 фоизга етказиш имконияти борлиги аниқланди;

- 2030 йилга қадар бўлган муддатда мамлакатимиз иқтисодиётида аҳоли турмуш даражасини ошириш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган ислоҳотларни амалга оширилишида айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг халқаро даражадаги “Бизнес юритиш” индексини 2020 йилдаги 69,90 кўрсаткичдан 2030 йилга бориб 89,36 индексга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг электр таъминоти тизимига уланиши кўрсаткичини мос равишда 86,9 коэффициентдан 97,4 гача, мулкни рўйҳатдан ўтказишни 67,9 дан 91,9 гача, кичик бизнесни кредитлаш кўрсаткичини 65 дан 90 баллга етказиш вазифлари белгилаб ўтилган;

- мамлакатимизда кичик корхоналар томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган жами инвестициялар ҳажми билан миллий иқтисодиёт тармоқларида хўжалик фаолияти юритаётган корхоналар сони ўртасидаги ички боғлиқлик кучли бўлиб, ўрта муддатли истиқболда давлат томонидан кичик корхоналарни инвестициялашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестициялашнинг ўзига хос хусусияти шаклланган бўлиб, асосий капиталга жалб этилаётган жами инвестицияларнинг молиялаштириш таркиби бўйича таҳлили натижалари кўрсатишича, корхонанинг ўз маблағлари ва махаллий кредитлаш ҳисобига асосий капиталга ўзлаштирилаётган инвестициялар чет эл инвестициялари ва кредитларига нисбатан самарали натижа бермоқда. Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, корхоналар фаолиятини инвестициялашда кичик корхоналарнинг ўз маблағлари ва махаллий кредитлаш амалиётини қўллаб-қувватлаш орқали кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш самарадорлигини янада оширишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2018 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

расмий веб-сайти маълумотлари асосида https://president.uz/uz/lists/view/4057
2. Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди. 09.06.2020 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида https://president.uz/uz/lists/view/3639
3. Мухаметшин М.Ф. Оценка инвестиционного потенциала предприятия как основа разработки инновационной стратегии промышленного комплекса и региона // Российское предпринимательство. 2007. №5. Вып. 1. стр. 49-53.
4. Попов Е.В., Ханжина В.Н. Структура рыночного потенциала предприятия // Проблемы теории и практики управления. 2011. №6. стр. 35-39.
5. Хаустова К.М. Методика стратегического позиционирования предприятий на основе интегральной оценки инвестиционно-инновационного потенциала // Проблемы современной экономики. 2013. №2. стр. 108-110
6. Эминова Н.Э. Особенности организации и управления инвестиционной деятельностью промышленных предприятий // Российское предпринимательство. 2014. №18. стр. 18-31.
7. Бартова Е.В. Сущность и структура производственного потенциала промышленного предприятия // Российское предпринимательство. 2010. №12. Вып. 1. стр. 65-69.
8. Бартова Е.В. Сущность и структура производственного потенциала промышленного предприятия // Российское предпринимательство. 2010. №12. Вып. 1. стр. 65-69.
9. Минаева О.А. Комплексный подход к оценке экономического потенциала промышленного предприятия // Экономика. Инновации. Управление качеством. 2012. №1. стр. 38-44.
10. Виленский, П. Л. Оценка эффективности инвестиционных проектов: теория и практика / П. Л. Виленский, С. А. Смоляк, В. Н. Лившиц. – М. :Дело, 2008. – 1104 с
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5409-сон Фармони, 11.04.2018 й. https://www.lex.uz/docs/3676955
12. Ergashov I.I. Factors affecting the efficiency of investment in small business and private entrepreneurship and their characteristics. JournalNX. Issue 77. ISSN: 2581 – 4230. Journal Impact. Factor: 7.223. Volume 6, Issue 11. 4.11.2020